



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
31 октябрь
ЧОРШАНБА
№ 87
(12.515)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ХАЛҚАРО ЯРМАРКА ЮТУҚЛАРИ

23-27 октябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган VI Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация Биржасида 5 миллиард АҚШ доллари миқдордаги экспорт шартномалари ҳамда маҳаллий ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида 5 триллион сўмликдан зиёд битимлар имзоланди.

Маъзур йирик ярмаркада Буюк Британия, АҚШ, Италия, Германия ва бошқа кўплаб давлатлардан 1200 дан ортиқ вакиллар иштирок этди.

Тадбирнинг ёпилишига бағишланган маросимда Ташиқ иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари Шавкат Тулагановнинг таъкидлашича, ярмарка ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни муваффақиятли адо этди. Ушбу тадбир йирик ва кичик корхоналар ўртасидаги савдо алоқаларини мустақамлаш ҳамда экспорт ҳажмини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида 1140 дан ортиқ корхоналар иштирок этган бўлса, улардан 850 таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари эди. Иштирокчилар томонидан ярмаркада 10 мингдан зиёд турдаги маҳсулотлар намойиш этилди. Тадбир давомида корхоналар томонидан Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 900 дан зиёд турдаги янги маҳсулотлар қамраб олинди.

Беш кун давом этган маъзур ярмаркада 80 мингдан ортиқ ишбилармон доиралар вакиллари ташрифи қайд этилди.

Маъзур БЕКЧОНОВА, "Туркистон-пресс".

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ



БАРАКАСИНИ БЕРГАНИ ШУ-ДА!

Қуш тинса-тинади, аммо деҳқон тинмайди. Яқиндагина обдон бўлиб берган галлани тезроқ ўриб-ячиб олиш таъминотида югурган деҳқон, ҳали бир қур тин олишга ҳам улгурмай, белига этак боғлаб, пахта теришга тушиб кетди. Бу орада галладан баҳсаган майдонларга чонга қараб, такрорий экин – турли сабзавотларни экиб олишга ҳам улгурди. Буниси қўшимча даромад. Эртага, қиш-қировли кунларда рўзгорининг бир томонини кўтаради.

Мана, асосий экинлар – галла ва пахта обдон саранжомлаб олинди. Аммо, деҳқон ҳали тингани йўқ. Ҳозир такрорий экинлар ҳосилини йиғиштириб олиш билан банд. Иккинчи томондан келгуси йил ҳосили учун кузги галлани оби-тобида

экиб олиб, совуқ кунлар бошлангунча текис ва тўлиқ унинг чиқиши, чуқур илдиришти, қалин туллаб олишга имкон яратиш ҳаракатида. – Ҳамқасбим Давлатжоннинг галладан бўшаган майдонларни аъзоларга бўлиб

бериб, такрорий экин экиб олишларига имкону ёрдам кўрсатаётганини эшитиб, тахрибасини ўргангани келди, – дейди Юқори Чирчик туманидаги "Олмос" фермер хўжалиги раҳбари Собиддин Инсофалиев.

– Пахта ва галладан даромадимиз чакки бўлмади, – дейди "Тожи-Аҳмад" фермер хўжалиги бошлиғи Давлат Тожиҳамедов. – Даст-

лабки ҳисоб-китобимизга қараганда, нақд қоладиган соф фойда 24 миллион сўмдан ошди. Такрорий экинлар ҳосили эса, аъзоларимиз рўзгорини янада бутлайди. Асосан кечки картошка экиб, тўғри қилган эканмиз. Ҳосилнинг чўғидан ҳамма хурсанд. 31,4 гектар майдондаги бугдой майсаси ҳам ер бетини қоплаб қолди.

СУРАТДА: (чапдан) фермерлар Собиддин Инсофалиев, Давлат Тожиҳамедов ва механизатор Абдумалик Куменов картошка пайкалди.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

МАЪНАВИЯТ

ИЛМ БЕШИҚДАН БОШЛАНАДИ

XXI аср ахборот ва коммуникация таъсирида янгилашган маънавият ва қарашларга эътибор кучайиб, илмнинг янги қирраларини кашф келмоқда. Глобаллашув жараёни таъсирида янгилашган маънавият ва қарашларга эътибор кучайиб, илмнинг янги қирраларини кашф келмоқда.

Бугунги дунёвий илмлар билан бир қаторда диний илмларга ҳам қизиқиш ортиб бораёпти. Бу ҳолат нафақат диншунос, исломшунос олимлар, балки бошқа соҳа вакиллари ҳам шу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга замин яратаяпти. Шунингдек, давлатимиз раҳбари ва жамоат арбоблари бу масалага алоҳида аҳамият бераётганлари ҳам эътиборга моликдир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек: "Биз бир нарсани яхши англаб олишимиз керакки, умумий ва махсус билимларга эга, онгли, тафаккурли ҳар хил "изм"лардан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний кадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади. Амир Темур бобомизнинг "Куч – адолатда" деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтишдан бўлсақ, мен унга қўшимча қилиб "Куч – билим ва тафаккур" деган бўлардим. Келгусида бу тамойил янада кучаяди ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Бинобарин, халқаро майдонда биз бошқа мамлакатлар билан соғлом фикр мусобақасига, ижодий рақобатга киришмоғимиз лозим бўлади. Бизнинг келажимиз мана шу мусобақа ва рақобатга қай да-ражада бардош бера олишимизга боғлиқ. Уйлайманки, бунинг учун мамлакатимизнинг салоҳияти ҳам, ақл-заковати ҳам етарли".

Илм инсониятнинг қадимги давридан то ҳозирги кунгача уммон сингари янгида янги қирраларини очиб, ёш олим ва тадқиқотчилар учун мутлақо янги мавзулар устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш имкониятини яратмоқда. Бунга глобаллашув жараёни даврида диний ва дунёвий илмлар уйғунлиги концепцияси яққол мисол бўла олади.

Ҳадиси шарифда талқин этилишича, бир кун пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) саҳобалари даврасида орифона суҳбат чоғида ўйлаб-ўйлаб қолдилар. Шунда саҳобалардан бири сўради: "Ё Расулulloҳ, нега хомуш бўлдингиз?" Расули Акрам дедилар: "Илм олмак, уни излаш ҳар бир мусулмон ва мусулмага фарзидир". Билмоқ инсоннинг буюк сифатларидан. Маданиятга эришмоқнинг чарогон йўли ҳам илмдир.

Яна бир бошқа Ҳадисда Расули Акрам саҳобалар ва издошларига "Чин Мочинга бўлса ҳам бориб, илм олинглар, илм эгалланг", дедилар. Дарҳақиқат, илм саҳрода дўст, ҳаёт йўлида таянч, ёлғизлик да-ларда – йўлдош, бахтиёр дақиқаларда – раҳбар, қай-гули онларда – мададкор, одамлар орасида – зебу зийнат, душманларга қарши курашда – қуролдир.

Юқорида келтирилган маълумотлар билан бирга, Шарқ ренессанси даврида ижод қилган вакилларнинг диний ва дунёвий илмлар уйғунлиги масалаларига оид кўплаб мулоҳаза ва хулосаларини келтириш мумкин. Ниёзий Ражабзода "Ибтидоий мактабларимизнинг

тартибсизлиги ёхуд тараққийнинг йўли" номли мақо-ласида қуйидагиларни келти-ради: "Илму маърифатсиз ҳеч бир миллат муборизаи ҳаёт майдонида туролмас. Ҳоҳ ул миллат миллати ҳокима ва миллати маҳкума бўлсун илму маърифатдан марҳум бўлганлиги учун бошқа санъат ва ҳунар со-ҳиб бўлган миллатларнинг оёғи остида эзилува маж-бур бўладур. Чунончи, зи-роат, санъат, тижорат каби лавозимати инсониятнинг вужудга келмоғи мактаб, мадрасаларнинг тартиблик, дарсларнинг замон ва ма-конга мувофиқ бўлганлиги-дандир".

Шунингдек, жади-дларнинг бошқа бир вакили Му-ҳаммад Саъид Ибн Масъуд-дан қуйидаги Ҳадисни келти-ради: "Ҳар кишининг имони илми қадар, ҳар ки-шининг илми саъийи қадар, ҳар кишининг саъийи ному-си қадар, ҳар кишининг но-муси виждони қадар ва ҳар кишининг виждони ҳам а-нинг адаб ва тарбияси қадардир".

Кўриниб турибдики, ко-мили инсон учун етти нарса ўта муҳим. Булар илм, но-мус, виждон, саъий-ҳаракат, одоб, куч-ғайрат ва тарбия-дан иборат. Демак, нафа-қат қомил инсон, балки ҳар биримиз учун биринчи нав-батда илм зарур. Шундай инсон тўғри ахборотга эга бўлган тақдирда ҳеч қандай ёт гоя ёки мафкура таъси-рида қолиб кетмайди. Шун-и алоҳида таъкидлаш жоиз-ки, илм билан олган илмла-ри учун бу дунёда ҳам, охи-ратда ҳам хурмат ва из-затда бўладилар.

(Давоми 2-бетда).

2012 йил – МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ

ДУОЛАРДАН ЯШНАЙДИ КЎНГЛИМ

Кексаларни "пири бадавлат", "кўпни кўрган", "доншишман", "нуроний" дея улуғлаймиз. Зеро, ҳар юракда бу шарафга эришиш нияти туғилиши табиий.

Қибрай туманидаги фахрийларни соғломлаштириш масканида мустақиллик йил-ларини таъкидлашга ай-ри-саҳоват, эзгу ният манзилла-рига бири десак хато бўлмас. Бўзсўв ёқасида жой-лашган бу файзли даргоҳ бекаси, шифокор Муножад Эрматов 16 йилдан буюн нуронийлар хизматиди.

– "Нуроний", "Қариялар йили" каби атамалар айнан эркин, озод ҳаёт кечира бош-лаганимизда пайдо бўлди, – деди шифокор. – Қибрайлик-лар туман "Нуроний" жа-фармаси раиси марҳум Жўра Хонназаровни яхши билиш-ди. Истиклол шарофати, қолаверса, жонқур раҳбар Жўра отанинг саъий-ҳаракат-лари билан ташкил этилган сихатгоҳимиз бугунги кунда

кексаларимизнинг сеvimли маскани. Бу ерда улар на-фақат соғлиқларини тикла-шди, балки чуқур маънавий, руҳий рағбат, кўнгли таски-ни, кексалар гапти, ҳузур-ҳаловатидан баҳраманд бўлишди. Узро фикр ала-миш, суҳбатлашиб, керак бўлса маслаҳатлашиб олиш-ди. Ҳар ҳолда уларнинг ни-яти, орзу хаваси бир – фар-зандлар бахти, оилалар бар-қарорлиги, неваралар камол-и. Бир замон сихатгоҳимиз ҳовлиси ёш-яланг, катта-ки-чик болажонларнинг шўх-шо-дон кулгуларига тўлиб кета-ди. Уларни кўриб кексалар-имиз, бобою бувижонлар-нинг чехраси ёришиб, гўё бирданга қуёш чакчиб, ола-ми ёритгандек бўлади. Улар-нинг нур ёғилиб турган юз-

лари мени оҳанграбодек ўзига чорлаб туради. Шун-данми, тонг ёришмаёқ нуро-нийларимиз истикболга оши-қаядилар. Тонг саҳардан салом бериб, дуолардан баҳраманд бўлиш нақадар бахт!

Шифокор сўзларини тинг-лаб туриб, биз ҳам кексалар, мўътабар онахонлар, отахон-лар билан суҳбатлашгимиз, дуоларини олгимиз келди:

– Келинг, қизим, хуш кўрдик, – дейди уя келин, икки кўёвлик қайнона Фари-да ая мўъжазгина хонтахта ат-рофида тўшаланг кўрпачага тақлиф этиб. – Ҳа, бу ерга тез-тез келиб, дам олиб ту-рамиз. Уз уйимиздек бўлиб қолган. Дўхтирларнинг дори-дармони, ширин сўзи дарди-мизга малҳам, танимизга дар-мон. Муножатон палатамиз-га кириб келса, қувониб ке-тамиз, эрталабдан кайфияти-мизга ширинлик қилишимиз.

(Давоми 2-бетда).

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

ТАҲЛИЛ ВА ТАВСИЯ

Юқори Чирчик тумани ҳокимлигида "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари фаолиятини янада кучайтиришнинг долзарб масалалари" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари, Сенатнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси раиси Мавжуда Ражабова олиб борди.

Халқ депутатлари шаҳар, туман Кенгашлари, доимий комиссияси раислари, вилоят адлия бошқармаси, фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинг қилиш мустақил институтининг вилоят ҳудудий бўлими асра-барбарлари, сиёсий партиялар вакиллари иштирок этган тренингни ўтказишдан қўзғалган мақсад Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари фаолиятини

янада такомиллаштириш, уларга амалий кўмак бериш, ижтимоий-иқтисодий масала-лар ечимида депутатлар ро-лини оширишдир.

Семинар-тренингда мам-лакат Президентининг "Ўзбе-кистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга оши-ришда кичик бизнес ва ху-сусий тадбиркорликнинг рол-ли ва аҳамияти" мавзусида ўтган халқаро конференция-даги "Барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилли" номли маъ-рузасининг моҳияти, "Мамла-катимизда демократик ислохот-ларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ри-вожлантириш Концепцияси ижросини таъминлаш мақса-дида қабул қилинган қонун-ларнинг мазмун-моҳияти ва

уларни тарғиб этишда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларнинг роли", "Сиёсий партиялар-нинг Халқ депутатлари ма-ҳаллий Кенгашларидаги де-путатлик гуруҳлари фаоли-яти ва доимий комиссиялар ишини ташкил этиш масала-лари" каби мавзуларда маъ-рузалар тингланди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий та-дбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаёт-ган ишлар, унинг самараси, эришилаётган ютуқлар, ис-тиқболли лойиҳалар хусуси-да тўхталдилар. Қолаверса, ишлаб чиқариш корхонала-ри, уларда яратилаётган иш-чи ўринлари, вилоятнинг иқти-содий кўрсаткичларидаги се-зилиб ижобий ўзгаришлар хусусида сўз борди.

Шунингдек, Халқ депутат-лари маҳаллий Кенгашлари ва доимий комиссияларнинг 2012 йилнинг ўтган даври-



даги фаолияти мониторинг-ни натижалари ўқиб эшит-тирилди. Таъкидландики, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва доимий ко-миссиялар фаолиятини са-марадорлик, таъсирчанлик кўзга ташланмоқда. Бирок, шунга қарамай, хали Халқ депутатлари маҳаллий Кен-гашлари ва доимий комис-сиялари фаолиятини янада яхшилаш ва ривожлантириш

СУРАТДА: семинар-тренинг қатнашчиларидан бир гуруҳи. Даврон АХМАД олган сурат.

МУЛОҲАЗА

МАДАНИЯТ ОРТИДАГИ МАДАНИЯТСИЗЛИК

Қўл телефоним жирингла-ди. Мактабдош дугонам Уми-да экан. Қўришмаганимизга кўп бўлганди, узоқ галлаш-ди. Дўсту дугоналарни ёдга олди.

– Туғилган кунимга тақриф қилмоқчиман, манзилни ёзиб ол, – деди у. Айтган-ларини ёздим. Номи аллам-бало, ресторани, кафеми десам, базм тунги клубда бўларкан. Қизиги, у жуда кеч – соат 22 дан кейин бош-ланди.

Дугонам шарафига айти-лаётган қадаҳ сўзларининг кети узилмасди. Уйин-кулгу авжида. Ранг-баранг чироқ-лар кишини сехрлаб қўяди.

Тан олиш керак, бу ерда ўзингни эркин сезасан. Бир-ров-бировдан уялиш, торти-ниш йўқ. Қизлар ҳам худди йигитлардек спиртли ичим-ликлар ичишяпти. Сигарет чекаётганлари ҳам оз эмас.

Умида мени дугоналари билан таништирди. Уларига бино қўйган, замонавий қизлар экан. Кўпчилигини қуллоғи, бурни-ю, лаби ҳам тешилиб, майда зирак қадал-ган. Айримларининг билаги ва елкаларига бургутми-ей, аждарми, хуллас расм туши-рилган.

Лайло анча ўзгарибди. Юриш-туриши, ҳатто, гапи-риш оҳанглари ҳам бошқача.

– Бу Комил, яқинда оила қурамыз, – деди Лайло.

– Танишганимдан хурсанд-ман, – дедимда фурсатдан фойдаланиб кетишим керак-лигини айтдим.

– Майли унда уйимизга келарсан, бу ердан уч кўча нарида, – деди дугонам.

Эшитишимча, Лайло Ко-мил билан 4 ойдан буюн бирга яшаётган экан...

Бу галдан хабар топган, дилим ранжиди. Ахир у эиё-

ли, тагли-туғли оиланинг фарзанди. Мактаб кезлари ҳам устозларимиз Лайлонинг хулқи, одобини кўпчиликка намуна қилишарди. Унинг бу қилмиши ақлга сикмайди...

Аслида бу миллий ҳаётим-изни кун сайин шиддат бил-лан қамраб олаётган "омма-вий маданият"нинг аянчли оқибатидир. Маълумотларга кўра, Британияда 34 фоиз бо-лалар никоҳсиз тугилмоқ-да, яна шунча оила ажраш-моқда, фарзандлар эса ўз ҳаётларини тўғри изга солол-май, қинғир ишларга қўл ур-моқдалар. Мутахассислар фикрича, XX асрда радио, кино, телевидение, видео, компьютер каби ахборот технологиялари пайдо бўли-ши натижасида оммавий ма-даният ривожланишининг ян-ги босқичига кўтарилди.

(Давоми 4-бетда).

2013 йил учун ОБУНА давом этмоқда. «Тошкент ҳақиқати» газетаси индекси – 205.

ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

МУАММОЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

Мамлакатимизда аҳолини тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Тошвилсувоқова" очик ақциядорлик жамияти томонидан ҳам бу борада муайян ишлар амалга ошириляпти.

Маъзур жамиятдан олинган маъ-лумотларга қараганда, жорий йил-нинг ўтган даврида корхона томо-нидан жами 24, 83 километр ичим-лик суви қувурлари мукамал, 85, 11 километр узунликдаги қувурлар эса жорий таъмирланган. Беш юз-дан ортиқ техник, электр жиҳоз ҳамда ускуналар қуз-қиш мавсумига шай ҳолатга келтирилган.

Президентимиз Ислам Каримов-нинг шу йил 20 июнда қабул қилин-ган "Республика иқтисодиёти тар-моқларини 2012/2013 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тай-ёрлашни таъминлаш чора-тадбирла-ри тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ушбу ҳужжат ижроси доирасида вилоятда тегишли тизим ва сув ин-

шоотларининг ҳолати, мавсумга тай-ёрлиги текширилмоқда. Янги сув узатиш тармоқлари қурилиб, мав-жудлари таъмирланаёпти.

Намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уй-жойларга сув қувурлари тортилди. Ун бешга яқин сув миқдорлари барпо этилиб, эс-кирган насослар алмаштирилди. Натижада Бекобод, Зангиота, Пар-кент, Юқори Чирчик, Урта Чирчик, Бўка, Оққўрғон, Бўстонлик ва Чи-ноз каби туманларда жойлашган кўплаб қишлоқларнинг минглаб аҳолиси, мактаблар, шифохоналар

ҳамда турли корхоналарни тоза ичимлик суви билан таъминлаш яна-да яхшиланди. "Тошвилсувоқова"га қарашли ВУ-1 туманлараро "Сувоқова" ишлаб чи-қариш шўъба корхонаси томонидан қуз-қиш мавсумига тайёргарлик қўриш бўйича қатор ишлар барқарорлиди. Жум-ладан, йигирмата техник ва электр техник жиҳоз ва ускуналар, бир кило-метр сув тармоқлари мукамал таъ-мирланди. Керек қўламли жорий таъ-мирлаш ишлари олиб борилди.

(Давоми 2-бетда).

МЕН - ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИМАН!

ПАСПОРТ ТАРТИБОТИ - ҲАЁТ ЗАРУРАТИ

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармонида кўра, мамлакатимизда янги, эгаларнинг биометрик маълумотлари бўлган фуқароларнинг паспорт жорий этилди. Маҳаллий ҳокимият ва ўзини-ўзи бошқариш идоралари, қорхона ва ташкилотлар ҳамда ички ишлар органлари биометрик паспортларни марказлашган ҳолда тайёрлаш ва ҳисобини юритиш, фуқароларни паспорт билан бошқичма-бошқич таъминлаётти.



Биометрик маълумотларни олиш ва паспорт билан бошқичма-бошқич таъминлаётти.

Вилоят ички ишлар бошқармаси хорижа чиқиш-келиш ва фуқароларнинг расмийлаштириш бўлими ходимлари шаҳар ва туманларда биометрик паспортларни ёзиш учун алоҳида хоналарни таъмирлаб, зарур воситалар ва компьютер билан жиҳозлашди.

Шу йилнинг ўтган ойларида 1600 дан зиёд фуқарога биометрик ҳужжатлар расмийлаштирилди. Умуман, вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида шу кунга қадар 18 минг шахсга биометрик ҳужжатлар тарқатилди.

Ҳозирги кунда жаҳоннинг юзидан зиёд мамлакатда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тайёрланган биометрик параметрли пас-

портлар жорий этилган. Шунингдек, биометрик маълумотларга эга паспортлар бошқа давлатларда мамлакат ҳудудида алоҳида ва хорижа чиқиш учун алоҳида шаклда жорий қилинган бўлса, бизда улардан фарқли ўлароқ, умумийлиги паспорт деб белгиланди. Вилотимизнинг 24 та масканда биометрик маълумотларни йиғиш учун барча шаҳар ва туманларида биометрик маълумотларни олиш, талабномалар тайёрлаш, биометрик маълумотларни жойлаштириш, пунктлардаги курилмача ва та қўрғон-шаҳар миллиция бўлиналарида ҳам биометрик маълумотларни йиғиш пунктлари ташкил этилди. Янги паспортларни рас-

Она табиат - кўриқхона. Яратганини инояти билан инсон ҳаёти учун зарур бўлган барча усурлар муҳайё этилган табиат, кўррай заминимиз - биз инсонлар учун энг муқаддас тириклик манбаи. Ундаги неъматлар ичида яшил олам, тоза ҳаво, зилол сув, табаррук туپроқ одамларга беминнат хизмат этувчи мўъжизавий ҳилқат. Бу манбаларни эҳтиётлаш, асраб-авайлаш - барқарор ҳаётимиз кафолати. Одамзот бу ҳикматнинг қадрига ҳамиша ҳам етмаётганидир.

Бутун жамиятимизда сувга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Шу билан бирга Марказий Осиё давлатларининг ороми

ТАБИАТ МЎЪЖИЗАСИ

йўқолишига сабаб бўлган, ҳаловатини ўғирлаган бир муаммо бўлиб, у Орол денгизининг тобора қуриб бораётганидир. Ўқиниб олганда шайхиди Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари - Оролни қутқариш ҳалқаро жамғармаси тасвирчиларининг ўрашуви бўлиб ўтди. Президентлар Орол бўйида экологик вазиятларни яхшилаш ва бу ҳудудда бажарилиши лозим бўлган долзарб иқтисодий-иқтисодий вазифалар, сувдан тежамли фойдаланиш технологиялари ҳамда сув ва ўрмон мелiorацияси соҳаларидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан ўзаро фикр

алмашдилар. Ушбу ўрашувда давлатимиз раҳбари бугунги кунда Орол денгизини қутқаришдек долзарб масала ҳақида шундай деди: "Бугун Орол бўйи ҳудуди ва умуман минтақада юзага келган вазият, Орол денгизини қуриши туфайли юз бериши мумкин бўлган оқибатларнинг олдини олиш борасида муҳим чоралар қуриш кераклигини кимгадир исботлаб бериш зарурати йўқ деб ўйлайман". Қадимдан ота-боболаримиз сувга, ҳатто, туфалга гуноҳлигини, уни булғатиш эса Она Табиатга бўлган ҳурматимизни экани-

ни уқитиришган. Сувни табиатнинг бебаҳо ва азия дурдонаси дея эълозлашган. Зеро, жамият ҳам сувни ифлослантирмастикка бўйради, акс ҳолда баглиқлар нознеъмат ўрнига заҳарли моддаларга айланishi мумкин. Хулоса ўрнида шунини айтиш ўринлики, асрлар буйи ҳар бир инсон арик, дарё ва денгиз сувларини покчилаш, сувдан тежамли фойдаланиш шарафли бурчи деб билган. Она табиат яратган ва бунёд этган мўъжизаларини асраш ҳаётимизни асраш эканлигини унутмайлик. Дурдона АБДУРАҲМОНОВА.

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ҚОРХОНАСИ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари такроран кўйилмоқда: Бекобод тумани СИБ томонидан 1. 14.10.2010 й. № 17572-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и/ч. Камаз, д/р 11 К 3293. Бошланғич баҳоси - 19 117 115 сўм. 2. 14.10.2010 й. № 17572-сонли ижро ҳужжатига асосан 1981 й. и/ч. Камаз-53212, д/р 10 Р 639 АА. Бошланғич баҳоси - 18 954 729 сўм. 3. 14.10.2010 й. № 17572-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. и/ч. Камаз-5320, д/р 11 К 2685. Бошланғич баҳоси - 16 070 186 сўм. 4. 14.10.2010 й. № 17572-сонли ижро ҳужжатига асосан 1990 й. и/ч. Камаз-53212, д/р 10 А 245 ВА. Бошланғич баҳоси - 20 932 871 сўм. 5. 09.09.2011 й. № 21451-сонли ижро ҳужжатига асосан 1974 й. и/ч. Ваз 2103, д/р 11 У 5308. Бошланғич баҳоси - 1 602 632 сўм. 6. 15.04.2011 й. № 3971-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. и/ч. Ваз 2101, д/р 11 С 7323. Бошланғич баҳоси - 1 274 574 сўм. 7. 01.03.2012 й. № 5249-сонли ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банк" ОАМТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО 01036, ИИН 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

д/р 11 В 5694. Бошланғич баҳоси - 1 010 700 сўм. 16. 19.03.2010 й. № 1618-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и/ч. Газ-968-М, д/р 11 С 1813. Бошланғич баҳоси - 114 168 сўм. 17. 04.08.2010 й. № 7317-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. и/ч. Газ-452, д/р 11 В 969. Бошланғич баҳоси - 309 938 сўм. 18. 12.01.2010 й. № 14-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и/ч. Газ-24, д/р 11 У 7834. Бошланғич баҳоси - 217 379 сўм. Автотранспорт воситалари "Бекободсавдо" МЧЖда сақланмоқда. Бўстонлик тумани СИБ томонидан 19. 25.08.2009 й. № 220/2009-сонли ижро ҳужжатига асосан 1974 й. и/ч. Ваз-2101, д/р 11 А 0487. Бошланғич баҳоси - 669 948,6 сўм. 20. 18.03.2009 й. № 1-25-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и/ч. М 412 ИЭ, д/р 11 Т 8304. Бошланғич баҳоси - 599 020,7 сўм. 21. 20.06.2010 й. № 158-2010-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. и/ч. Газ-2417, д/р 11 М 0152. Бошланғич баҳоси - 1 078 844 сўм. 22. 16.03.2010 й. № 1-21-сонли ижро ҳужжатига асосан 1980 й. и/ч. Ваз-2101, д/р 11 В 8452. Бошланғич баҳоси - 1 131 078,8 сўм. 23. 17.12.2009 йилги ижро ҳужжатига асосан 1980 й. и/ч. Ваз-2103, д/р Х 287 АVM. Бошланғич баҳоси - 1 500 106,2 сўм. Автотранспорт воситалари Бўстонлик тумани Фазалкент 2 "Мариам Текстил Сервис" МЧЖда сақланмоқда. Олмазор тумани СИБ томонидан 24. 24.01.2012 й. № 1-88/2012-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. и/ч. Ваз 2103, д/р 30 Е 5742. Бошланғич баҳоси - 2 463 046,68 сўм. Автотранспорт воситаси "Себзор" жарима майдончасида сақланмоқда. Миробод тумани СИБ томонидан 25. 25.03.2012 й. № 11375/5-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и/ч. Матиз, д/р 01 Н 467 у/ч. Бошланғич баҳоси - 18 827 300 сўм. Автотранспорт воситалари "Нуимзатика" МЧЖда сақланмоқда. Савдога Қўрғон тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 38. 09.09.2011 й. № 835-сонли ижро ҳужжатига асосан 2000 й. и/ч. Тинко, д/р 10 С 721 ЕА. Бошланғич баҳоси - 6 135 000 сўм. 39. 16.07.2012 йилги ижро ҳужжатига асосан 2008 й. и/ч. Нексия, д/р 10 У 949 ВА. Бошланғич баҳоси - 15 222 000 сўм. 40. 08.10.2010 й. № 1-166-сонли ижро ҳужжатига асосан 1996 й. и/ч. Тинко, д/р 11 Р 6477. Бошланғич баҳоси - 1 004 000 сўм. 41. 15.02.2012 й. № 1-24-сонли ижро ҳужжатига асосан 2005 й. и/ч. Матиз, д/р 01 О 516 ЕА. Бошланғич баҳоси - 8 565 000 сўм. 42. 05.12.2011 й. № 1-41-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и/ч. Газ-5327, д/р 10 Е 831 Д. Бошланғич баҳоси - 2 509 000 сўм. Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 43. 23.08.2012 й. № 8521/22-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч. Нексия, д/р 10 806 ТАА. Бошланғич баҳоси - 12 450 000 сўм. 44. 09.10.2012 й. № 9209-сонли ижро ҳужжатига асосан 1995 й. и/ч. Газ-310290010, д/р 11 З 6117. Бошланғич баҳоси - 4 694 531 сўм. 45. 15.03.2012 й. № 5726-сонли ижро ҳужжатига асосан 2008 й. и/ч. Дамас, д/р 10 В 998 АА. Бошланғич баҳоси - 20 633 000 сўм. Автотранспорт воситалари "Бекободсавдо" МЧЖда сақланмоқда. 46. 23.08.2012 й. № 8521/22-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и/ч. СК-631 русумли Кран, д/р сиз. Бошланғич баҳоси - 56 675 000 сўм. "Узметкомбинат" ОАЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 30 ноябрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтди. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 30 ноябрь кунини савдода сотилмаган тақдирда, мажур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 14 декабрь кунини бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилишимиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокчи бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш шарт: 20208000504936050002, МФО 00425, СТИР 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: 1. № 1470-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасуна, қозонхона. Бошланғич баҳоси - 73 210 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 30 ноябрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2012 йил 30 ноябрь кунини савдода сотилмаган тақдирда, мажур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 17 декабрь кунини бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилишимиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокчи бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш шарт: 20208000504936050002, МФО 00425, СТИР 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: 1. № 1470-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасуна, қозонхона. Бошланғич баҳоси - 73 210 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 30 ноябрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2012 йил 30 ноябрь кунини савдода сотилмаган тақдирда, мажур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 17 декабрь кунини бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан суд департаменти вакили иштирокчи бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш шарт: 20208000504936050002, МФО 00425, СТИР 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052.

«КО'Р ТАРМОҚИ КО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖ бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Такрорий аукцион савдосига Ўзбекистон Республикасида ички ишлар вазирлигининг қўриқхонаси бўлиб қўйилган қўчмас мулк қўйилмоқда: 1) Бошланғич нархи - 292 542 694 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси, 1-Тор Рақаботчи кўчасида жойлашган Д. Бекмуҳаммадова тегишли уй-жойнинг умумий майдони 205,70 кв.м., умумий ер майдони 325,0 кв.м.дан иборат икки қаватли 15-ўй-жой (қовил); 2) Бошланғич нархи - 48 676 000 сўм бўлган Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, А. Хидоятлов кўчаси, 24-уй, 2-хонада жойлашган умумий майдони 42,0 кв.м.ли одис ва савдо маъносидаги кўрсатиш мажмуаси; 3) Бошланғич нархи - 467 218 854 сўм бўлган, "Арқон" МЧЖга тегишли, Шайхонтоҳур тумани Жарарик кўчасида жойлашган, умумий майдони 453 кв.м., 2 қаватли ва ертўладан иборат, умумий хоналари соани 10 та, умумий йўналиш соани 2 та, 1 та ерданмиш хона, 1 та хожатхона, 1 та ошонаси мажмуи бўлган бино; 4) Олмазор тумани СИБ томонидан 11.06.2012 й.даги 10-1109/18376-сонли ижро варақасига асосан тақдим қилинган, бошланғич нархи - 850 824 544 сўм, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасой кўчаси, 269-ўй манзилида 4184 кв.м. ҳудудида жойлашган, бинонинг умумий майдони 1876 кв.м., 5 та блок "А"-552 кв.м., "Б"-355 кв.м., "В"-600 кв.м., "Г"-342 кв.м., "Е"-27 кв.м.дан иборат кўчмас мулк. Аукцион савдолари 2012 йилнинг 16 ноябрь кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйида жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Ушбу савдоларда катнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "КО'Р ТАРМОҚИ КО'СНМАС МУЛК САВДО" МЧЖнинг АТИБ "Ипотек банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига, МФО 00425, СТИР 207126747, ОКОНН 83400 тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мулк билан суд департаменти вакили иштирокчи бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш шарт: 20208000504936050002, МФО 00425, СТИР 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052.

«TURKISTON IHTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдоларида қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: Тошкент вилояти Зангиота тумани суд ижрочилари бўлимининг 2012 йил 17 октябрдаги 11-26/13797-сонли хатига асосан Зангиота туманидаги, "Саидумар Абдуллаев" МЧЖ оморхонасида сақланаётган 1. 1979 йилда и.ч. техник соз, "Газ-2410" русумли д/р 11 У 3171, бошланғич баҳоси - 970 665 сўм; 2. 1982 йилда и.ч., техник соз, "Москвич-412" русумли д/р 11Р 0041, бошланғич баҳоси - 620 036 сўм; 3. 1983 й.ч., техник соз, "Газ-2410" русумли д/р 10 Л 519 АА, бошланғич баҳоси - 914 926 сўм; 4. 1989 йилда и.ч., техник соз, "Газ-3962" русумли д/р 11 Л 6497, бошланғич баҳоси - 1 154 290 сўм; 5. 1979 йилда и.ч., техник соз, "Москвич-412" русумли д/р 11 П 9349, бошланғич баҳоси - 561 733 сўм; 6. 1988 йилда и.ч., техник соз, "Москвич-412" русумли д/р 11Q 0010, бошланғич баҳоси - 653 672 сўм; 7. 1984 йилда и.ч., техник соз, "Газ-452" русумли д/р 30 В 5195, бошланғич баҳоси - 975 194 сўм; 8. 1970 йилда и.ч., техник соз

мининг 2012 йил 17 октябрдаги 11-26/858-сонли хатига асосан Зангиота туманидаги, "Саидумар Абдуллаев" МЧЖ оморхонасида сақланаётган 1. 1974 йилда и.ч., техник соз "Ваз-2101" русумли, д/р 10 О 014 СА, бошланғич баҳоси - 932 974 сўм; 2. 1989 йилда и.ч., техник соз "Москвич-412" русумли, д/р 11Z 7714, бошланғич баҳоси - 726 959 сўм; 3. И.ч. йили ноаниқ, техник соз, "Москвич-412" русумли, д/р 11О 1893, бошланғич баҳоси - 627 100 сўм; 4. 1988 й.ч., техник соз, "Урал-М-67" русумли, д/р рақамсиз, бошланғич баҳоси - 573 460 сўм; 5. И.ч. йили ноаниқ, техник соз, "Газ-69" русумли, д/р рақамсиз, бошланғич баҳоси - 925 430 сўм; 6. И.ч. йили ноаниқ, техник соз, "Газ-24" русумли, д/р 11 К 4236, бошланғич баҳоси - 1 303 061 сўм; 7. И.ч. йили ноаниқ, техник соз, "Газ-452" русумли, д/р рақамсиз, бошланғич баҳоси - 1 266 929 сўм; 8. 1982 йилда и.ч., техник соз, "Урал-М-67" русумли, д/р рақамсиз, бошланғич баҳоси - 463 207 сўм; Зангиота тумани, "Бурхон Савдо"

МЧЖ оморхонасида сақланаётган 9. И.ч. йили ноаниқ, техник соз, "Ваз-2101" русумли, д/р 10 У 3505, бошланғич баҳоси - 1 396 181 сўм; Зангиота туманидаги, "Кўк-Терак Матлубот Инвест" МЧЖ оморхонасида сақланаётган 10. 1989 йилда и.ч., техник соз, "М-412 ИЭ" русумли, д/р 11 А 4471, бошланғич баҳоси - 611 496 сўм; 11. И.ч. йили ноаниқ, техник соз, "Уаз-2206" русумли, д/р рақамсиз, бошланғич баҳоси - 1 229 531 сўм; 12. 1985 йилда и.ч. чиқарилган, техник соз, "Уаз-469" русумли, д/р 11 О 6428, бошланғич баҳоси - 1 195 200 сўм; 13. 1980 йилда и.ч., техник соз, "Газ-24" русумли, д/р 10 Г 9830, бошланғич баҳоси - 348 300 сўм; 14. И.ч. йили аниқланмаган, техник соз, "ГАЗ-2401" русумли, д/р У 5982 ТШ, бошланғич баҳоси - 653 400 сўм. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда, 2012 йил 29 ноябрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион уқулари савдо тугатган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади. Аукцион савдосига қўйилган автотранспортлар билан сотувчи ташкилот вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва қабул қилиш шарт: 20208000804941652002, МФО 00425, СТИР 302128906. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Тел.: 144-66-55, 233-33-37. Гувоҳнома: 005424.

"BRAINLY TRADE" хусусий қорхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "BRAINLY TRADE" масъуляти чекланган жамиятига ўзгартирилди. "BRAINLY TRADE" хусусий қорхонасининг ду-малоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқоқанлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. ООО "Premier Leasing" выставяет на продажу имущественный комплекс, состоящее из оборудования для сортировки и хранения фруктов (фруктохранилище), недвижимого имущества с прилегающим земельным участком 0,87 га, расположенное по адресу: Ферганская область, г. Фергана, сход граждан махали "Мустакиллик" на пересечении улиц Истиклол и Комилова. Форма оплаты - перечислениями. Подробности по телефону: 280-55-07. ООО "XUDOJESTVENNOE STEKLO", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района № 007342-08 от 20.09.2011г. (ИНН 302102614, адрес: ул. Зенинское, дом 28, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (прешене учредителя № 4 от 29.10.2012г.). Претензии принимаются в течение одного месяца со дня публикации объявления по тел.: 557-21-81. "OMBABA VASARI" масъуляти чекланган жамиятининг устав фонди 170 (бир юз етмиш) миллиондан 2 миллион 900 (икки миллион тўққиз юз) минг сўмга камайтирилди. БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ

Кураш

ЁШ ПОЛВОНЛАР – ИЛК ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ



Буюк Британиянинг Борнмут шаҳрида кураш бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан миллий курашимиз барча қитъага кенг ёйилмоқда ва жадал ривожланмоқда. Катталар ва аёллар ўртасида жаҳон ва қитъа чемпионатлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Хитой Тайпейи вакиласи Чиа Ю Лин каби курашчилар бўлиб ўтди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан миллий курашимиз барча қитъага кенг ёйилмоқда ва жадал ривожланмоқда. Катталар ва аёллар ўртасида жаҳон ва қитъа чемпионатлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Хитой Тайпейи вакиласи Чиа Ю Лин каби курашчилар бўлиб ўтди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан миллий курашимиз барча қитъага кенг ёйилмоқда ва жадал ривожланмоқда. Катталар ва аёллар ўртасида жаҳон ва қитъа чемпионатлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

фари кумуш, икки нафари бронза медалга жамгарди. Яна бир олтин медалга мўғулистонлик Пуревбатар Гонгорга насиб этди.

Қизлар мусобақасида ҳамюртимиз София Оломонова тенг келадигани топилмади. Умидли спортчимиз финалда мезбонлар вакиласи Элеонор Риджини мағлубиятга уchrтиб, жаҳон чемпиони деган сарафли номга сазовор бўлди. Одина Аезова бронза медалга эришди.

Жаҳон биринчилигининг улкан муваффақияти билан ўтган дунё мамлакатларида болалар ўртасида ҳам кураш жадал оммалашаётганидан далилларидир.

ЎзА.

Автопойга

Пискент автополигонидида автомобил ҳалқа пойга-си бўйича Ўзбекистон шахсий биринчилиги мусобақалари ўтказилди. Унда вилоятлар ва Тошкент шаҳридан қирқ нафарга яқин спортчи иштирок этди.



ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Республика техник ва амалий спорт турлари маркази томонидан ташкил этилган мусобақада спортчилар уч йўналиш бўйича ғолиблик учун курашди. Беллашувларда пойтахтлик Азиз Эргашев, Жасур Атаматов ва Жаҳонгир Эрматов ўз йўналиши бўйича зафар кучди.

Ўзбекистон чемпиони бўлганимдан қувончим чексиз, – дейди Азиз Эргашев. – Ниятим халқаро миқдорда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш, келажакда юртимиз автомобиль халқа пойга-си спортни ривожига муносиб ҳисса қўшишдир.

Чемпионат ғолиб ва совриндорлари ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатланари тақдим қилинди.

ЎзА.



«SONY» ХОДИМЛАРИ СОНИ ҚИСКАРАДИ

Япониянинг электрон маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Sony" компанияси 3,8 миң иш ўрнини қисқартириш ниятида. Ўз фаолиятини 1946 йилда бошлаган мазкур нуфузли корхона, шунингдек, мамлакатдаги фотообъективлар ва мобил телефонлар ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган заводини ёпишни режалаштирмоқда.



НИГОХ

ҚОРА ИШ ҚОРОНҒИДА ОСОН БИТАДИ

Яна бир нохуш янгилик тожикистонликларнинг шундоқ ҳам оғир аҳволларини баттар мушкуллаштирди. "Барки Тожик" очик акциядорлик холдинги компанияси 1 апрелдан электр энергияси тарифини 20 фоиз

оширди. Йўқ, бу одатдаги апрель ҳазили эмас. Оммавий ахборот воситаларининг маълум қилишича, янги тариф республиканинг монополияга қарши хизмати билан келишим ва ҳукумат томонидан тасдиқланган.

Шу ўринда бир нарса – ҳар сафар тарифлар ошганда, буни халққа қандай усталик билан етказилиши кишини ажаблантиради. Тарифлар "2006 йилда имзоланган баённомага мувофиқ Бутунжаҳон банкининг тавсияси билан" оширилди. Ушбу тавсияга қўра, Тожикистонда электр энергияси тарифи йилга 40 фоиз оширилиши керак. Мақсад – энергетика тармоғининг молиявий аҳолини яхшилаш, энергетика объектиларини қуриш ва реконструкция қилишга ички халқда чет эл инвестицияларини жалб этиши.

Мутахассисларнинг таъкидлашларига қараганда, бунга амалда бўлган тариф икки йил бурун ўрна-тилган эди. Яъни ҳукумат амалдорлари айтишмоқчи-ки, шунча вақт тариф оширилмаган учун ҳукуматга раҳмат дейиш керак. Аммо, нима учун шундай қилин-ганини ҳамма яхши тушу-нади. Қирғизистонда тариф оширилгани халқнинг қаҳр-газабини уйғотди ва бу нима билан тугагани бар-чага маълум. Демак, Имомали Раҳмон ва унинг а-трофидагилар қўшни мамла-кат сабоғини тегишли ху-лоса чиқаришга қўринади.

Бундан қўра "Бизга пул керак ва уни оддий халқ-дан олиш учун тарифни оширамиз" деб тўғридан-тўғри айтиб қўйилгани яхши эмасми? Аммо, халқ билан очик ва ҳолис мулоқот қилиш Имомали Раҳмон ва унинг ҳамтовларига хос одат эмас. Шу боис ҳар турли баҳоналар ўйлаб топилади. Биляш-дики, баҳоналар вазиятга ҳеч қандай ойдинлик киритмайди. Бино барин, амалдорларни тангиди тигидан асраш учунгина шун-дай қилишади.

Масалан, мутахассислар шундай тушунтиришадики, истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергия-сининг ҳақи юз фоиз тўлан-ганда ҳам "Барки Тожик"

компанияси инвестиция лойиҳалари ва янги энер-гетика объектиларини молия-лаштиролмайдми, бюджет олдидаги ҳамда "Сангтўда-1" ва "Сангтўда-2" ГЭСла-ридан қарзларни узоқлай-ди, шунингдек, олган кре-дитларини қайтаролмайдми. Шу ўринда ҳақиқат савол ту-гилади: нима учун? Зарар келтириши олдиндан маъл-ум бўлган лойиҳаларни амал-га оширишга ким "оқ йўл" берди?

Шунингдек, об-ҳаво ва табиат ҳам айбдор қилина-пти. Электр энергиясиндан фойдаланиш кескин че-клангани ва тез-тез узиб қўйилишига "Барки Тож-ик" дагилар кучли соғуқ-ханда Вахш дарёсидан сув оқими пасайганини сабаб қилиб кўрсатишмоқда.

Уларнинг фикрича, истеъмолчиларнинг ўзлари ҳам айбдор: қаҳратон совуқ-дан жон сақлаш учун электр иситкичларни ёқишяпти... Ахир газ таъминоти ва мар-казий иситиш тизимида муаммолар тўлиб-тошиб ётган бўлса, улар нима ҳам қилишсин?

Хуллас, ҳамма айбдор. Энергиячилару ҳукуматдан бўлак, албатта. Аммо, ҳақиқатан ҳам шундаймикин? Имомали Раҳмон Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаси-ни зўр бериб тикштираёт-ган бир пайтда, мустақил экспертлар мамлакатда аҳолини электр қуввати билан бемалол таъминлаш имконияти борлигини тас-диқламоқдалар. Бунинг учун фақат энергетикани ривожлантиришга қанча маблаг йўналтирилган-у, унинг қанчаси умарилгани, қанча электр қуввати ишлаб чиқарилаётгани-ю, у кимга ва қанчага сотилаётгани, энг муҳими эса, сотишдан тўшаётган маблағлар қаяққа кетаётгани ойдинлаштирил-са бас.


Экспертлар илгари Санг-тўда ГЭСларисиз ҳамда ҳисоботларда қайд этилган-дек, ўтган йилнинг ўзида



Субхон ДАВЛАТОВ. Центр Азия.

БИЛАСИЗМИ?

Сут – дардга даво



Австралиялик олимлар сугир сут таркибида ОИВ/ОИТС хасталигидан ҳимоя қила оладиган антижисмлар мавжуд эканини аниқлади. Бундай антижисмлар организмда антигенлар пайдо бўлиши билан юзага келадиган ва уларнинг таъсиридан йўқотадиган моддалардир. "Medical Xpress" нашрининг ёзишича, мазкур моддалардан мутахассислар хотин-қизлар учун ОИТС касаллигининг олдини оладиган махсус крем яратиш ниятида.

Мельбурн университети вакиллари томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари шуни кўрсатдики, ушбу технология анча арзон ва самаралидир. Шу боис сутни қайта ишлаш натижасида олинадиган мазкур антижисмлардан келгусида кенг қўлланиладиган препарат ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Италияда музқаймоқлар музейи очилди

Италиянинг Анцола-Деллемиллия шаҳрида музқаймоқлар музейи очилди. Музқаймоқ ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчилик қилаётган "Саггигини" заводи яқинида ташкил этилган бу музей 450 квадрат метр майдонни эгаллаган.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, музейда музқаймоқнинг яратилиш тарихи, уни тайёрлаш бўйича қадимий технологиялар, музқаймоқ кашфиётчилари ҳақида маълумотлар берилган. Музейга ташир буюрувчилар Италиянинг машҳур "Саггигини" компаниясининг қадимий усулда тайёрланган музқаймоқларидан татиб қўриш имкониятига ҳам эга бўладилар.

МУЛОҲАЗА

Айримлар "оммавий маданият"ни Фарб маданияти билан боғлиқ ҳодиса деб баҳолашса, баъзилар унга гоёсизлик, дидсизлик намунаси дея таъриф беришади. Ачинарлиси, бугун ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида ушбу "маданият" деб аталаётган маданиятсизликни кузатаймиз. Айтиш жоизки, "оммавий маданият" мамлакатимизга асосан чет эл муסיқаси ва кинофильмлари орқали кириб кела бошлади.

Биргина мисол. Аксарият чет эл клипларида хонанда кўшиқ айтади, атрофида ярим яланғоч қизлар, ҳирсин уйғотувчи турли ҳаракатлар билан рақсга тушадилар. Афсуски, айнан шу ҳолат ўзимизнинг клипларда ҳам такрорланяпти. Бундан ташқари, Фарб сериаллари ва видеофильмларида оила, ота-онага муносабат, фарзанднинг бурчлари бўзиб кўрсатишган. Тўғри, бу ўша халқ менталитети учун оддий ҳолдир. Бироқ, ўзбек миллати, унинг урф-одат ва қадриятларига мутлақ беғона.

"Оммавий маданият"нинг яна шундай шакллари бор. (Давоми. Боши 1-бетда).

ки, улар аллақачон Фарбда ривожланиб улгурган. Хўш, бу иллат бизда ҳам илдиэ отмаслигига ким қаролта бера олади? Масалан, Фарб давлатларида бир жинсда-

МАДАНИЯТ ОРТИДАГИ МАДАНИЯТСИЗЛИК

ги одамларнинг турмуш қуриб, бирга яшаси хайратланарли ҳодиса бўлмай қолган. Энг ёмони баъзи давлатларда бунга қонун доирасида йўл берилган. Наҳот, маънавий турбаник, беҳаблик тарқатиб, қабоҳатга бошловчи иллат маънавият деб аталса?

Муסיқа азал-азалдан кишиларга эстетик завқ бағишлаган. Қадимда хатто, беморлар дардига муסיқа орқали шифо топилган. Унинг тинчлантирувчи оҳанглари

жонга оро берарди. Бугун биз, айниқса, кўпчилик ёшларимиз тинглаётган муסיқани қандай фазилатлари бор? Жазавали ритм, зарб, шовкин, талвасали ҳаракатга



йўналтирилган рақс кишига завқ бериш у ёқда турсин, асаб тизими нобуд бўлишига олиб келмасмикин? Фарбга кўр-қўрона тақлид қайси манзилга етказилди? Энг қизиги, мактаб ёшлариди ўғил-қизларнинг жуда бўлмаганда 50 фоизи бирор санъаткор, актёр, ё спортчига ҳавас қилишини айтади. Бора-бора ҳавас болалар онгида ўз гоғларини шакллантирмайди деб ким айта олади? Ахир, Майкл Жексоннинг миллионлаб

мухлислари уни илоҳийлаштирган эдилар. Унинг вафотидан қаттиқ тушкунликка тушиб, ўз жонига қасд қилганлари ҳам бор гап.

Фарбликлар кийимлари назар солганмисиз? Уларда заррача бадий эстетик кийимга эга бўлмаган суратларни кўрасиз. Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. "Оммавий маданият" ўз таъсирини шу қадар кучли ўтказаяптики, қизларимиз табиат ато этган хуснга қаноат қилмай, ўз ташки кўринишларига турли йўллар билан (татуаж, бодипарт) ўзгартириш қиритишга уриняпти...

Юртбошимиз таъбири билан айтганда "оммавий маданият" деган никоёб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм гоғларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча миң йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига белгисандик, уларни кўпорлишга қаратилган хатарли таҳдидлар барчамизни ташвишга солиши керак.

Унга қарши курашиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Ирода МАҚСУД қизи.

БУ – ҚИЗИҚ

Буюк Британияда ноёб хазина топилди

Лондоннинг Сент-Олбансе тумани майдонидан миллоддан аввалги V асрга оид хазина топилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Умумида мазкур шаҳар римликлар томонидан қарийб тўрт юз йил бошқарилган. Ушбу хазина топилган майдонда эса зодагонларнинг савдо маркази бўлган. Топилмалар орасида императорлар тасвирали уйиб ишланган турли хилдаги олтин тангалар ҳам бор.

Топилган ноёб олтин тангалар Сент-Олбанседаги "Веруламиум" музейига топширилган.

ЎзА.

РАССОМ ХАНДАСИ



– Мунажжидлар башорат қилишича таъмирлаш ишлари ҳали-бери тугамайди.

Advertisement for Oceanarium Yulduzlari featuring sea animals and contact information.

ГРЕЦИЯДА ИШСИЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

Грецияда ишсизлар даражаси рекорд кўрсаткичга етди – ишсизлар аҳолининг ишга лаёқатли қисмининг 25,1 фоизини ташкил этаяпти.

Хабарларга қараганда, сўнгги беш йил ичида мамлакатда ишсизлик уч барбар ўсди. Бу ҳолат, айниқса, ёшлар орасида авж олмақда. Мамлакатдаги кўплаб фирма ва компаниялар, молия-



ЎзА ва интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Table with contact information for 'TOHKENT HAQIQATI' newspaper, including address, phone numbers, and subscription rates.